
БУВАЙДАМ, СЕНИНГ ЁШЛАРИНГ!

Жорий йилнинг 14-18 август кунлари Туркиянинг Конья шаҳрида V Ислон бирдамлиги ўйинлари мусобақалари ўтказилди. Бу нуфузли мусобақада Ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади. Улкан ғалабага тумандошимиз Муҳаммадқодир Расулов ҳам муносиб ҳисса қўшганлиги қувончлидир. У 82 кг. вазнда спортнинг Юнон-рум кураши бўйича фахрли 3-ўринни қўлга киритиб, бронза медали билан тақдирланди. Шу муносабат билан туман ҳокимлиги биносида катта ғалаба билан қайтган Муҳаммадқодир Расулов тантанали кутиб олинди. Туман ҳокими Б. Ибрагимов тантанали маросимда иштирок этган спортчининг оила аъзоларига туман ҳокимлиги, қолаверса, бувайдаликлар номидан миннатдорчилик билдирди. Муҳаммадқодирга эса келгусидаги мусобақаларда омад тилаб, эсдалик совғалар билан тақдирлади. Муҳтарам Президентимиз Фармонида асосан спортчимиз икки минг АҚШ доллари, тренири эса минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирландилар.

2022-08-29 09:13:23